



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2021
1/2/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинава Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдурасилов Ш. XVI асрда Тошкентнинг сиёсий тарихи.....	4
Асқаров Қ. Учтепа-Булокмозор археологик ёдгорлиги – Наманган вилоятининг янги туризм объекти сифатида.....	8
Бегалиева М. Паттакесар тарихи.....	11
Маллабоев Б. XIX охири – XX аср бошларида Туркистонда вақф мулкларининг аҳволи ва ундаги ўзгаришлар таҳлили.....	15
Mahmudov E. Buxoro ta'limi va Ismoil Gansprinskiy.....	18
Раджабов О. Х. Маккиндер геосиёсий таъкидида “катта ўйин” сиёсати масаласи.....	22
Ўтабиров А. XIX аср охири – XX аср бошларида маҳаллий бойлар ва жаҳид маърифатпарварларининг саховат ва ҳомийлик ташаббуси.....	25
Шомуротов Ш. Республикада суғориш тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар.....	28
Эшбеков Д. Парламент фаолиятининг такомиллашуви.....	31

Фалсафа. Психология. Педагогика. Методика. Социология

Абдурахимов Қ. Хулқий оғишлар симптоматикасида психокоррекцион ишлар самарадорлиги.....	35
Ametov R. Yarimo'tkazgichlar fizikasini o'qitishda qiziqarli tajribalarni qo'llash.....	40
Аманова М. Қишлоқ хўжалиги техникамонавий қишлоқ хўжалик техникаларини бошқарувчи оператор"ни ўқитиш тизими.....	44
Ahadov M. Kimyo ta'limda 3d texnologiyalardan foydalanishning istiqbollari.....	47
Ахророва С. Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш омиллари.....	54
Бойгазиев Т. Форобий илмлар тараққиёти омиллари тўғрисида.....	58
Анатольевна Л., Викторевна Н. Talabalarining jismoniy ta'lim va sportga motivatsiya tashkil etishga OAV o'zining ta'siri.....	62
G'ofurova M. O'quvchilarning kuzatuvchanlik hisslarlarini shakllantiruvchi o'quv topshiriqlari.....	66
Дадабаев О. Шахсий-типологик ёндашув асосида 17-18 ёшли ўсмир дўдочиларни техник-тактик тайёрларлигини ошириш.....	70
Juraeva I. Yoshlarning madaniy harakatlari paydo bo'lishi.....	75
Журақобилова Х. Олий таълим педагогикасида талабаларга таълим-тарбия беришнинг назарий-методологик асослари.....	78
Иниязаров М. Малака ошириш курсларида педагог кадрлар касбий компетентлигини таххислаш ва баҳолаш модели.....	82
Кариева Н. Ходимлар ва раҳбарларнинг ташкилотга бўлган ишончга бўлган ишончлари ва ularning qadriyat yo'nalishlari o'rtasidagi munosabatlar.....	85
Галина К., Губкина А. Universitetda basketbolda talabalarni tayyorlash metodikasi xususiyatlari.....	90
Қодиржонов К. Ёшларни ҳарбий-патанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари.....	93
Қариев Н. Сиёсий тартибот контекстида сиёсий партиявий тизимларнинг ўзгариш ва ривожланиш қонуниятлари.....	96
Махманов Э. Бўлажак муҳандисларни физика дарсида магниткий фикрлаш қобилиятини шакллантириш методикаси.....	101
Мираширова Н. Психолог шахснинг мутахассис сифатида камолга етишида касбий ва шахсий сифатлар.....	105
Нафасов Д. Туризмнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишнинг тарихий-педагогик жиҳатлари.....	109
Нишонов Н. Ўзбекистонда феминизм ва гендер тенглик: мулоҳаза ва таърифлар.....	112
Разувасева Н. Талабаларни гандбол ўйини орқали безонгалик ҳиссини йўқотиш.....	117
Рахмонов Б. Ўзбекистонда этномаданий кадрлар ривож ва миллий ғоя тартиботидаги ўрни.....	120
Саломиддинов Н. Мустаҳкам бошқарув самарали таълимнинг қафолати сифатида.....	123
Сафаров М. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва ёшлар ижтимоий-сиёсий онгини трансформациялаштириш.....	126
Собитов О., Абдурахимов Қ. Тарбияси оғир ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг психологик омиллари.....	130
Турабоева К., Примова Д. Ta'lim texnologiyasining afzalliklari.....	134
Туркенова М. Талаба ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда жисмоний тарбиянинг ўрни.....	137
Туробов Ж. Инглиз тили ўқитиш жараёнида темир йўл соҳасига оид терминларни тадбиқ этиш усуллари.....	141
Хантов А. Норасолик комплекси шаклланиши омиллари.....	145
Халикова Л. Sportchining muvaffaqiyatining tarkibiy qismi sifatida psixologik xatti-harakatlar.....	149
Халиков А. Кўришда нуқсон бўлган битирувчи ёшларни ҳаётда ижтимоий мослашувини амалга оширишда ўқитишнинг самарали технологияси.....	153
Shirinov O. O'quvchilarni milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalash.....	155
Эриязарова Н. Педагогик олий таълим муассасалари гуманитар таълим йўналиши талабаларининг кредит-модул тизимида мустақил ишни ташкил этиш хусусиятлари.....	159
Ягашев Б. Миллий халқ ўйинларининг ўзига хос хусусиятлари (Самарқанд воқеаси мисолида).....	162

Филология

Абдуллаев Ф. Бадий асарларда терговчи нутқининг миллий ва маданий жиҳатларининг намоён бўлиши.....	166
Алламуратова Х. Апогрия – этнолингвистиканинг тадқиқ объекти сифатида.....	170
Аманов Г. Ижтимоийлашув жараёнлар тадрижи ва таҳлили.....	174
Bagotova M. "Ko'z qismoq" paralingvistik vosita sifatida.....	177
Бекмуратова З. Хизм – стилистик фигура сифатида.....	180
Дедаханова М. Лексик маъно тараққиётида синекдоха ва унинг юзага келиш масаласи.....	183
Джафарова Д. Ҳозирда француз ва ўзбек тилларида “тарихий хотира”ни ифодаловчи архаик фразеологик бирликларнинг оғзаки нутқда ишлатилиши.....	187
Душова У. Испан тилида турғун ўхшашмаларнинг гадаги синтактик вазифалари.....	190
Жуманов Э. Роль медиальной формулы в узбекских народных сказках.....	194
Жўраева М., Бобокалонов О. Французча-ўзбекча шифобахш ўсимликлар терминологиясининг прагматингвистик тадқиқи.....	197
Ибрагимов Ш. "O'zbekiston-24" телеканалда "обод қишлоқ" ва "обод маҳалла" дастури ижроси таҳлили.....	201



Зебинисо БЕКМУРАДОВА,
Қарши давлат университети ўқитувчиси
E-mail: bekmuradovzebiniso4@gmail.com

ЎзМУ профессори, ф.ф.д. А.Маматов тақриси асосида

ХИАЗМ – СТИЛИСТИК ФИГУРА СИФАТИДА

Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги кунга қадар кам ўрганилган стилистик фигуралардан бири хиазм конструкцияси ҳақида гап боради. Бадний нутқда қўлланувчи услубий бўёқ ва қатор вазибаларни бажарувчи, барча тилларга хос бўлган хиазм усулининг стилистик жиҳати, вазибаси ва экспрессив-эмоционаллик баъзи мисоллар ёрдамида кўриб чиқилади. Шунингдек, турли олимларнинг хиазмга берган таърифлари ва назарий фикрларига таяниб, илмий мулоҳазалар бирдирлигига ҳамда муҳим хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: хиазм, стилистика, стилистик фигура, стилистик бўёқдорлик, экспрессивлик, эмоционаллик, синтактик параллелизм.

ХИАЗМ – КАК СТИЛИСТИЧЕСКАЯ ФИГУРА

Аннотация

В этой статье обсуждается конструкция хиазма как одной из наименее изученных стилистических фигур на сегодняшний день. В данной статье рассматривается стилистический прием хиазмы, который используется в качестве вариационного стиля в литературной речи, и анализируются его стилистические особенности, цели и экспрессивно-эмоциональные стороны на основе аутентичных материалов. А также приведены научные комментарии и важные выводы основанные на описаниях и теоретических мнениях различных ученых о хиазме.

Ключевые слова: хиазм, стилистика, стилистическая фигура, стилистическая живопись, выразительность, эмоциональность, синтаксический параллелизм.

CHIASMA AS A STYLISTIC FIGURE

Annotation

This article discusses the construction of chiasmus as one of the least studied stylistic figures to date. This article examines the stylistic technique of chiasma, which is used as a variation style in literary speech, and analyzes its stylistic features, goals and expressive-emotional sides on the basis of authentic materials. It also provides scientific comments and important conclusion about chiasm based on descriptions and theoretical opinions of various scholars.

Keywords: chiasm, stylistics, stylistic figure, stylistic painting, expressiveness, emotionality, syntactic parallelism.

Қирини. Тилдаги ҳар бир ҳодиса маълум бир мақсад асосида юзага келади. Ундаги ҳар бир лисоний восита нафақат ахборот бериш, балки ўзига хос стилистик вазибани ҳам бажаради. Ана шу жараёнда ўқувчи ёки тингловчига турлича қўшимча таъсир ўтказиш, ахборотнинг эмоционал-экспрессивлигини ошириш учун маълум даражада стилистик воситалардан фойдаланилади. Бундай воситаларга – “стилистик функция”, “экспрессивлик”, “ифодавийлик”, “эмоционаллик”, “стилистик усул”, “стилистик фигура” қабилар қиради. Бундан ташқари, “синтактик параллелизм” билан ёндош тушунчаларнинг муносабати, “синтактик параллелизм” тушунчаси ҳамини аниқлаштириш, хиазматик структураларнинг стилистик мақомини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). “Экспрессивлик” тушунчасининг мазмунга боғлиқлиги ва мавжудлиги турлича талқин қилинувчи бир қанча мазмун элементлари қўшилиб кетади: мисол учун, интенсивлик, эмоционаллик ва образлилик. Улар бир-бирига таъсир ўтказиши, бироқ алоҳида кўриб чиқиш зарурияти бор.

Экспрессивлик категориясининг ҳанузгача тилшунослик илмида яқдил изоҳи мавжуд эмас. Қўшимча экспрессивлик интенсивлик (қучайтириш) орқали талқин қилинади, бунда интенсивлик экспрессивлик билан тенглаштирилади ёки экспрессивлиكنинг ташкил қилувчиларидан бири сифатида қаралади.

Эмоция ва экспрессия тушунчалари бир-бирига яқин, ammo мос келмайди. Эмоциялар – ҳар-қил турдаги ҳислардир, экспрессия эса ифодавийлик, яъни тил ва унинг алоҳида компонентлари томонидан гапирувчиларнинг махсус воситалар билан ҳислар ихорининг қучайтирилишидир.

Тилда экспрессивлик ва эмоционалликнинг алоҳидаланиши Е.М.Галкина-Федорук томонидан амалга оширилган[7], у экспрессия эмоциясиз мавжуд бўлиши мумкин, деб кўрсатган. Шунинг учун экспрессивлик тушунчаси эмоционаллик тушунчасидан кенгрок дея ҳисоблайди. Т.Г.Винокур “Функционаллик ва эмоционалликка тегишли умумийлик, “экспрессия” термини мазмун яна шу билан қулайки, мулоҳазада ушбу икки белги кўп ҳолатда қўшма бўлиб чиқади”[6], - деб таъкидлаган.

“Экспрессивлик” ва “эмоционаллик” тушунчалари мустақил деб кўрсатилган олимларнинг фикри мавжуд; эмоционаллик маъноси ажралмас ҳис реакцияси билан боғланади, экспрессивлик эса ашё мазмуни билан боғланган – бу асосийларига ажралувчи қучайтирувчи аломатлардир. Тадқиқотчилар экспрессияни моҳиятини семантиканинг категорияси сифатида ўргана туриб, одатда унинг таъсир этувчи функциясини фарқлашади.

Демак, ўша даврда Ш.Балли[5] аффеқтив факторнинг ихкита мақсадини ажратган:

1) гапирувчининг субъектив дунёсини ифодалаш (туйғулар, кайфият);

2) адресатта (тингловчига) таъсир этиш учун тил воситаларини ишлатиш.

Экспрессиянинг таъсир этувчи, ишонтирувчи омиллари ёзилганнинг инфодавийлик, тасвирийлиги кучини ошириш билан боғлаш мумкин.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Лингвистиканинг функционал-стилистик йўналиши тадқиқотчи-лингвистларни ўзига қўпроқ жалб қилмоқда. Бу нарса тилшунослик илмининг тилининг коммуникатив аспектига қизиқишнинг умумий ошиши билан боғлиқ. Мати лингвистикасининг пайдо бўлиши, функционал, прагматик, грамматиканинг ривожланиши стилстик тадқиқотларининг янги йўналишларини фоллаштирди.

Бунда сезиларли ўрин предмети хабарга қўшимча самарадорлик бера олувчи структуралар ҳисобланган экспрессив синтаксиснинг ҳодисаларига ажратилади. Бу нутқий инфодавийликнинг энг бой воситаларидан биридир. Экспрессив синтаксиснинг муҳим воситаларидан бири стилстик фигуралар ҳисобланади.

Синтаксиснинг энг амалий риторик фигураларидан бири сифатида ҳозирги кунга қадар кам ўрганилган хиазм конструкциясини кўркам айтиш мумкин.

Ушбу фигура ҳақидаги фикрларни антик давр сўз усталарининг ишларида ҳам топиш мумкин: “Мазмуни жиҳатдан фарқли бўлган икки жумла шундай кетма-кетликда қўйиладикки, биринчисига қарама-қарши бўлган иккинчи жумла биринчисидан келиб чиқади, масалан: *янаш учун ёниш керак, ёниш учун янаш эмас*”. Бундай алмашиниш риторлар томонидан антиметабола ёки коммутация деб номланган.

Ушбу мақолада стилстик фигура – хиазм усулининг стилстик жиҳати, вазифаси ва экспрессив-эмоционаллик мисоллар ёрдамида кўриб чиқилади.

Хиазм усулига тилшуносликка оид тадқиқотларда қуйидагича таърифлар келтирилган. Масалан, рус олими А.П.Квятковскийнинг “Поэтический словарь” китобида, “Хиазм (грекча “chiasmus”) икки ёнма-ён гапда (ёки сўз бирикмасида) синтактик параллелизм тарзида қўлланувчи, иккинчи гапда эса биринчи гапни ташкил қилувчи қисмларнинг тескари жойлашуви ёки грекча “X” (хи) ҳарфи шаклида намоён бўлувчи услубий фигурадир. Бошқача айтганда, хиазм, бу бир хил синтактик қолидаги қисмларнинг (гап бўлақларининг) икки қўшни гапда “крест” шаклидаги жойлашувидир”[1], дея изох берган бўлса, профессор И.К.Мирзаевнинг лингвопоэтика масалаларига бағишланган докторлик диссертациясида “Ушбу ишда, хиазм чап томон қисмидаги сўзлар тескари тартибда жойлаштирилган бинар структура сифатида тушуниланган”[2], дея таъкидлайди. О.Х.Мамазияев эса ўзининг номзодлик диссертациясида “Хиазм фақат қўшма гапни шакллантирувчи синтактик-стилистик восита бўлиб, унда қўшма гап биринчи компонентдаги гап бўлақларининг ўрни (тартиби) иккинчи компонент бўлақлари жойлашувида бутунлай тескари ҳолда бўлиши талаб этилади...”[3], дея таъриф берган.

Демак, юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, хиазм – ёнма-ён келган иккита гапнинг биринчи қисми (гап)даги икки сўз ёки сўз бирикмасини кейинги (иккинчи) қисм (гап)да ўрнини алмаштириб, такрорий қўллашдан иборат бўлган стилстик фигура ҳисобланади. Хиазм усулида қурилган гапларда такрорий сўзлар “X” (икс) шаклда инфодаланиши лозим бўлади. Гапларнинг бу шаклдаги қурилиши хиазматик конструкциялар ҳам деб айтилади. Масалан,

Душманнинг дўсти – менг душманим.

Душманнинг душмани – менг дўстим.

(Мақол)

Ушбу мақолда *дўст* ва *душман* сўзлари ўзаро ўрин алмашиб қуйидаги кўринишдаги хиазматик конструкцияни ҳосил қилган.

Нутқда хиазм усулида қурилган гаплар ўзининг оҳангдорлиги билан ажралиб туради, шунингдек, ўқувчи



ёки тингловчини ҳушёр тортишга, фикрни унинг руҳига, онига тез сингдиришга, таъсир кўрсатишга, унга эстетик завқ бағишлашга, хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига хизмат қилади.

О.Мамазияевнинг ҳақли таъкидлаганидек, “хиазм стилстик такрорнинг алоҳида бир мураккаб кўриниши бўлиб, у нутқнинг оҳангдор, жарангдор, шу билан бирга жозибадор бўлишини таъминлайди, бир сўз билан айтганда, нутқ кўринишининг сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради” [3].

Хиазматик конструкциянинг асосий компоненти синтактик структураларнинг параллелизм фигурасидир. Хиазм ва поэтик асарларнинг мутаносиблигини энг муҳокама қилинадиган конструкцияни бевосита ўзи билан инфода қилиш аниқроқ бўлади: афоризмга айланган машҳур китобнинг (“Борлик прозаси ёки проза борлиги”) номидан ибора ясаб, хиазм: поэзия прагматикаси, прагматика поэзияси, дейиш мумкин. Юқорида айтилганга изох бериб, шуни айтиш мумкинки, бу муаллифнинг устамонлигини, у томонидан стилстик воситаларни моҳирона ишлата олишини намоён қилувчи риторика ёки замонавий стилстиканинг энг чиройли, ўринли, ёрқин фигураларидан бири – хиазм, бу маънода адресант (сўзловчи) прагматик ниятларининг поэтик яслишидир. Бошқа томондан хиазм асосан шеърый асарлар материалда учровчи, ундан ташқари фақатгина ритм ва рифмани сақлаб қолишга ёрдам берувчи эмас, унинг муносабатини, баҳосини сақлаб қолишга имкон берувчи конструкциялардан бири ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Сирожаiddин Саййиднинг “Янги тонг. Янги кун” шеърдаги қуйидаги парча таҳлил учун олинди.

Ўзгарар дунё мудом,

дунёда одам ўзгарар,

Ўзгарар одам билан

бу кўҳна *олам, ўзгарар*[4].

Ушбу парчада бир нечта хиазми учратилиш мумкин:

1-хиазм биринчи мисрадаги *Ўзгарар* (*Ўзгармоқ*) ва *дунё* сўзларининг ўзаро ўрин алмашинувида тузилган.



Ушбу мисрадаги *Ўзгарар дунё* компонентидида поэтик жанрга хос бўлган инверсия усули қўлланган. Бу ўринда *Ўзгарар* – кесим, *дунё* – эга вазифасида келаётган бўлса, иккинчи мисрадаги *дунёда* – тўлдирувчи (воситали), *Ўзгарар* – кесим вазифасини бажараётганини кўришимиз мумкин. Бу хиазматик конструкцияда *Ўзгарар* сўзи синтактик жиҳатдан бир қутбда жойлашган, *дунё* сўзи эса, лексик жиҳатдан иккинчи перпендикуляр (қарама-қарши) қутбдан ўрин олган.

2-хиазм *одам* ва *Ўзгарар* (*Ўзгармоқ*) сўзлари воситасида ҳосил бўлган.



Бу мисрада эса, А ва В нукталарда кесинган ўзгарар сўзи ҳамда С ва Д нукталарда бирлашган дунё ва олам сўзлари ёрдамида хиазматик конструкция юзага келган. Ушбу гапдаги дунё ва олам сўзлари айнан хиазмга хос такрорий қўлланилмаган бўлса-да, бироқ улар ҳам семантик жиҳатдан бир хилдаги маънони англатади, ҳам синтактик жиҳатдан бир вазифани бажариб келмоқда. Яъни, кесим-эга, эга-кесим шаклдаги семантик хиазм ҳам дейиш мумкин. Ўзгарар сўзи таркибидаги -ар қўшимчаси келаси замонни ҳосил қилувчи қўшимча ҳисобланиб, у ҳам стилистик бўёқдорлик хусусиятига эга бўлади. Яъни, доимий содир бўладиган ва такрорланадиган иш-

ҳаракатларни ифодалайди. Шоир ўзи айтмоқчи бўлган фикр доимий юз беришини кўрсатиш мақсадида келаси замон ҳосил қилувчи -ар қўшимчасидан фойдаланган.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Таҳлиллар шуни кўрсатадики, юқоридаги мисоллар орқали ифодаланган хиазмлардаги "ўзгарар" сўзи икки содда гап доирасида ўз ўринини алмаштиради, синтактик вазифаси ўзгармайди, барча ўринларда кесим вазифасида қўлланилади. "Дунё" сўзи эса, ўз ўринини алмаштиради, баъзан ўз ўринини маънодоши "олам" сўзига беради, шу билан бирга грамматик вазифаси ҳам турлича бўлганини кузатиш мумкин. Масалан, бир ўринда эга, иккинчи ўринда тўлдирувчи, яна бошқа ўринда эга вазифасида қўлланилган. Мисралардаги "олам" сўзи ҳам ўз ўринини алмаштириб келган, лекин синтактик жиҳатдан ўзгариб, эга ва тўлдирувчи вазифаларини бажариб келгани кузатилади.

Хулоса шуки, хиазм усули нутқнинг энг жарангдор, ҳиссий-экспрессивлиги кучли, тингловчи ёки ўқувчининг нутқ кўринишига диққатини тортадиган, алоҳида бир қизиқиш уйғотадиган стилистик фигура ҳисобланиб, унинг ёрдамида шаклан ва мазмунан қарама-қарши нарсга ёки воқеа-ҳодисалар ифода этилади.

Шунингдек, хиазм инсоннинг доимий уйғунлиқка, симметрияга бўлган доимий интилишини ўзида мужассамлаштирган, қандайдир даражадаги умумэстетик категория ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Квятковский А.П. Поэтический словарь. – М.: 1966, 325 с.
2. Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста (на материале современной узбекской поэзии). Дисс.-ра филол.наук. – Т.: 1992.
3. Мамазиев О.Х. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градиция. Филол. фан.ном.дисс. – Фаргона: 2004, -б. 20.
4. Сирожиiddин Саййид. Онамнинг кулчалари. Шеърлар. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017, -б. 30.
5. Балли, Шарль. Французская стилистика. – М., 1961, 394 с.
6. Винокур Т.Г. Закономерности стилистического использования языков единиц. Автореф.дисс.-ра.филол.наук. – М., 1980, 55 с.
7. Галкина – Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шавский Н.М. Современный русский язык, 4,1. – М., 1962, 126 с.